

Демография ва мехнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 2853,3 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 23998 кишига ёки 1,2 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-сентябрда қуидагича ифодаланади:

	киши			ҳар 1000 кишига	
	2016 й.	2017 й. ¹⁾	ўсиш, камайиш	2016 й.	2017 й. ¹⁾
Туғилганлар	42462	40773	-1689	20,2	19,2
Ўлганлар	11814	12048	234	5,6	5,7
Табиий ўсиш	30648	28725	-1923	14,6	13,5
Никоҳлар	14580	15836	1256	6,9	7,4
Ажралишлар	2533	2649	116	1,2	1,2

2017 йилнинг январь-сентябрда туғилганлар сони 40773 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (42462 киши) нисбатан 1689 тага камайди. Туғилиш коэффициенти мос равища 19,2 промиллени ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (20,2 промилле) нисбатан 1,0 промиллека камайди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Олмалиқ шаҳрида (20,5 дан 19,1 промиллека), Бўстонлиқ (19,4 дан 16,7 промиллека), Бўка (22,2 дан 20,1 промиллека), Юқоричирчиқ (21,6 дан 19,7 промиллека), Қибрай (19,7 дан 18,0 промиллека) туманларида кузатилди.

Ўлим даражаси. 2017 йилнинг январь-сентябрда ўлганлар сони 12048 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (11814 киши) нисбатан 234 тага кўпайди. Мос равища ўлим коэффициенти 5,7 промиллени ташкил қилди (2016 йил январь-сентябрда – 5,6 промилле).

Ўлганлар сонининг кўпайиши Ангрен шаҳрида (5,8 дан 6,2 промиллека), Чирчик шаҳрида (7,2 дан 7,7 промиллека), Кўйичирчиқ (5,7 дан 6,1 промиллека), Пискент (4,5 дан 5,3 промиллека), Оҳангарон (5,6 дан 5,9 промиллека), Юқоричирчиқ (5,6 дан 6,3 промиллека) туманларида кузатилди.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2017 йилнинг январь-сентябрда ФХДЁ органларида 15836 та никоҳлар ва 2649 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 7,4 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида – 6,9 та) ва 1,2 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида – 1,2 та) тўғри келади.


¹⁾ дастлабки маълумот

Миграция. Дастребаки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-сентябр ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 15333 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 20060 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиги минус 4727 кишига (2016 йилнинг шу даврида - минус 4162 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиклар Зангиота (минус 1374), Бўстонлик (минус 616), Бекобод (минус 534) туманларида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-сентябрда қўйидагича ифодаланади:

Xар 1000 кишига



Мехнат ресурсларининг сони дастребаки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-сентябрга нисбатан 100,4 фоизга кўпайиб, 1623,2 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 56,9 фоизини ташкил қилди.

2017 йил январь-сентябрда бандликка кўмаклашиш марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 16962 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш қидириб мурожаат этганлар Чирчик (1032 кишига), Ангрен (1683 кишига) шаҳарларида, Янгийўл (1440 кишига), Зангиота (1621 кишига), Ўртачирчик (1014 кишига) ва Бўстонлик (1099 кишига), Паркент (1142 кишига) ва Юқоричирчик (846 кишига) туманларида кўп.

Бандликка кўмаклашиш марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 15837нафари ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич, Ангрен (1235 киши) шаҳрида, Зангиота (1571 киши), Янгийўл (1432 киши), Паркент (1048 киши), Ўртачирчик (960 киши) ва Бўстонлик (958 киши) ва туманларида юқори даражада бўлди.

Ўтган давр мобайнида бандликка кўмаклашиш марказларида рўйхатга олинган фуқаролардан 218 нафари ишсизлик мақомини олган.